


ЧЕТ ТИЛЛАРИНИ ЎҚИТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ



**Республика илмий мақолалар
ТЎПЛАМИ**

УЎК 107.8.2
КБК 81.(5Ў36)5
Т45

Ушбу тўплам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1875 сонли Қарори ижросига бағишланган бўлиб, унда филологиянинг умумий масалалари, ўзбек ва хорижий тилларда таълим, ўрта, ўрта махсус ва олий таълимда чет тилларни ўқитиш ҳамда чет тилларни ўқитишда интерфаол усулларни қўллаш масалалари ҳар томонлама очиб берилган. Тўпламнинг асосий мақсади чет тилларни ўрганиш, ўзбек ва хорижий филологиянинг долзарб масалаларини ёритиш ҳамда улардаги хулосаларни оммалаштиришдан иборат.

Масъул муҳаррир:

Ҳикматова М. Н. – Факултетлараро чет тиллар кафедраси мудир, ф.ф.н., доцент

Таҳрир ҳайъати:

Ҳайдаров А. А. – Филология факултети декани, ф.ф.н., доцент

Қиличев Б. Э. – Ўзбек филологияси кафедраси доценти, ф.ф.н.

Мавлонова Ў. Ҳ. – Факултетлараро чет тиллар кафедраси катта ўқитувчиси

Шукурова Н. – Факултетлараро чет тиллар кафедраси ўқитувчиси

Файзуллаев О.М. – Факултетлараро чет тиллар кафедраси катта ўқитувчиси

Тақризчилар:

Гадоева М. И. – Инглиз филологияси кафедраси доценти, ф.ф.н.

Абдуллаева Д. А. – БухТИ доценти, ф.ф.н.

Тўпламда нашр этилган мақолалардаги маълумотларнинг ҳаққонийлигига муаллифлар масъулдирлар.

ISBN 978-9943-3829-5-4

МУНДАРИЖА

I БОБ. ФИЛОЛОГИЯНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ	3
Хайдаров А.А. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ 18 -75 қарори амалда	3
Ҳикматова М.Н. Чет тилларни ўрганишда фанлараро алоқадорликнинг ўрни	4
Ш.Н.Ахмедова. Сўзбоши яратиш йўлидаги изланишлар	5
Д.С.Ўраева. Байроннинг “Паризина” достонида шарқона тасвирлар	8
Ш.Н.Ахмедова, М. Давронова. Адабий танқид шоир ижоди ҳақида	10
Ҳикматова М.Н. Авезова Н.С. Чет тилини ўргатишда тил ва нутқ машқларининг аҳамияти	13
Мавлонова Ў. Ҳ., Қодиров Д. Ҳ. Таржимашуносликда реалияларнинг атоқли отлар ва диалектизмлар билан боғлиқлиги	14
Махсудова М. У. Реалия тушунчаси муаммоси ва унинг хусусиятлари	16
Бозорова В. М. Лингвистикада лакунлар ва реалиялар масаласи	18
Ruziyeva Nafisa Zarifovna. Definition of realia	21
Ахмедова Х. Ш. Свообразие психологического портрета персонажей романа «Эмма»	23
Ruziyeva Nafisa Zarifovna. Implementation of realia	25
Самадова Севара Ахатовна. Чет тилидаги ёзма нутқни ўстириш билан боғлиқ айрим мулоҳазалар	27
Ruziyeva Nafisa Zarifovna. The strategies of using realia	31
Жўраева М.М. Модаллик категориясида лингвомаданият масалалари	33
Кулдашева Н.Б. Монтескьенинг “Форс номалари” асарида шарқ тилидан ўзлашган сўзларнинг француз тилида берилиши	35
Жўраева М.М. Француз тилида “истак” фреймининг конструкцияларга бўлиниши	37
Нодира Сайфиддинова, Маърифат Ражабова. Александр Дюманинг “Граф Монте - Кристо” асарида тақдир талқини	40
Ахмедова Х.Ш., Атаева С.Р. Формы анализа психологии персонажей в романе Джейн Остин «Эмма»	42
Сафарова Ҳ. О., Фуломова Шохсанам. Ибрат – тарихчи олим	44
Курбанова Ш.Х. Формирование иноязычной коммуникативной компетенции	47
Курбанова Ш.Х. Особенности технического перевода	48
Ahmedov Atoulo. Turkiy tillar leksikasi borasida ba'zi mulohazalar	50
Д. Шарипова, Г. Саидова. Метафораларнинг маданиятдаги ўрни	53
Кувандыкова Х. Б., Ачилова Самира. Использование идиом в речи	55
Кадырова Н. А. Влияние экономического развития на сохранение мирового языкового разнообразия	57
Хамдамова Г.Х. Лингвистик майдон назарияси ҳақида	60
Г.Назарова. Метафизик шеърят ва унинг хусусиятлари	62

техника ва технологияларнинг илғор ютуқларини амалда тадбиқ этишдир. Бунинг учун эса барча таълим муассасаларидаги каби чет тилларни ўрганишда илғор педагогик технологиялардан фойдаланишга ва таълим тизимини дунё стандартлари даражасига кўтаришга эътибор қаратилиши лозим.

Фойдаланилган манба:
“Халқ сўзи” газетаси, 11.12.2012 й., 240 (5660)-сон

ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШДА ФАНЛАРАРО АЛОҚАДОРЛИКНИНГ ЎРНИ

Ҳикматова М.Н. доцент БухДУ

Бугунги кунда мустақил Ўзбекистонимизнинг жаҳон ҳамжамиятида туганган ўрни тобора ошиб, фан, таълим, маданий- маърифий, иқтисодий, савдо-сотиқ, туризм каби халқаро алоқалар ривожланиб бораётган бир пайтда келажакни яратувчи ёш авлодга чет тилларни, хусусан жаҳон тили бўлмиш инглиз тилини ўргатиш ва чет элликлар билан бўлган мулоқотда мамлакат ривожига тегишли масалалар бўйича эркин суҳбатлашиш энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Олий ўқув юр்தларининг турли йўналишларида чет тилларни ўқитишни мутахассисликка йўналтирилганлик асосида ташкил қилиш бўлажак мутахассисларни хорижий адабиётлардан фойдаланишлари, шунингдек, интернет тизимидан ўз касбларига оид керакли ахборот материалларидан унумли фойдаланишлари учун замин яратади.

Чет тилларни бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорликда, интеграциялаштирилган равишда ўргатиш ўқитишда ўз самарадорлигини бермоқда. Интеграциялаш деганда, умумий тадқиқот вазифалари ва мақсадлари бир хил бўлган ҳамда муайян муаммоларни ҳал этишда қўлланадиган воситалар тизимининг ўхшашлигини назарда тутадиган фанлар алоқадорлиги тушунилади.

Фанлараро ўзаро алоқадорлик даражаси нафақат янги билимларни шакллантириш, балки олдин ўзлаштирилган билимларни тегишли ўзаро ўхшаш объектларнинг боғлиқлигига, фанлардаги ўзаро яқинлик назарияси ва қонуниятлари асосида, илмий билимларни ишлаб чиқариш жараёни билан боғлаш каби лар орқали амалга оширилади.

Ўзаро алоқадорлик ҳар бир фаннинг ўзига хос хусусияти, ўрганилаётган объекти, предмети, мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши лозим. Таълимнинг барча йўналишларида мутахассисликка оид фанларни хорижий адабиётлардан фойдаланиб чет тилларда босқичма-босқич ўргатиш талабаларда тил ўрганишга бўлган қизиқишни орттиради. Талабаларда ўрганилаётган фанга нисбатан ҳавас уйғотилиши ўша фаннинг ўзлаштирилиши учун кенг имконият яратилишига сабаб бўлади.

Ҳозирги кунда 1 курсда ўтиладиган фан мавзуларини хорижий адабиётлардан фойдаланиб кенг, батафсил ўргатиш, шунингдек,

биргаликда тил ўрганиш ишларига катта аҳамият берилмоқда. Бунинг натижасида талабалар мутахассисликларига оид матнларни бемалол чет тилидан она тилларига таржима қила олиш, тушуна олиш имкониятига эга бўладилар. Масалан, биология таълим йўналишига оид машғулотларда ўтиладиган мавзулар асосан мутахассисликка оид яъни “Микроорганизмлар”, “Хужайра”, “Доривор ўсимликлар” кабилар ҳақида хорижий адабиётларда, жумладан, интернетда видеотасвирли равишда чет тилида материаллар берилган. Буни талабалар чет тилини ўрганган ҳолда тушуниб англаса ва мавзунини нафақат ўз она тилисида, балки келажакда чет тилида тушунтириб беришга ўрганса, бу албатта, ҳозирги давр талаби асосида ташкил этилган дарслар сирасига киради. Ва тескари ҳолат чет тили дарсларида мутахассисликка оид бўлган матнларни ўргатишда талабаларнинг ўз мутахассисликлари сўзларини тушуниб, таржима қила олишлари уларнинг қизиқишларини янада орттиради.

Масалан, биология таълим йўналиши учун ўрганилиши режалаштирилган “Conditioned Reflexes” матни мисолида фанлараро ўзаро интеграцияни кўриб чиқадиган бўлсак, инглиз тилини ўрганиш жараёни барча фанлар билан ўзаро алоқадор эканлигининг гувоҳи бўламиз. Қуйида биз ушбу матндан парча келтирамиз:

All the visceral and somatic reflexes including the protective, feeding and others are formed by various internal and external stimuli. These stimuli produce reactions not depending on surrounding conditions. The great Russian physiologist Pavlov called them **unconditioned reflexes**.

Келтирилган парчадан кўриниб турибдики, чет тилларининг бошқа фанлар билан интеграцион жараёни барча таълим йўналишларининг ҳар бир машғулотида учрайди. Таълим йўналишларининг деярли барча курслари учун танланган материаллар худди шу йўсинда, мутахассислик билан боғлаб олиниши лозимки, бу ўқитиш жараёнида ютуқлар гарови бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, нафақат матнлар, деярли барча лексик, грамматик ва фонетик материаллар мисолларини ҳам мутахассисликка оид танлаб режага киритилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Тажрибадан маълумки, чет тилини бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорликда ўқитиш ўзининг ижобий самарасини бериб, машғулотлар жараёнида талабалар фаол равишда ўз мутахассислигига оид сўзларнинг маъносини қизиқиб топиб, таржима қилишга ҳаракат қилади.

СЎЗБОШИ ЯРАТИШ ЙЎЛИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР

Ш.Н.Ахмедова, БДУ, ф.ф.доктори

Адабий таянқидчиликда сўзбоши деган жанр борки, у бирор бир адиб ёки шоир, мунаққиднинг янги китоби муносабати билан ёзилади. У баъзан тақриз шаклида, баъзан эса портрет - мақола шаклида, баъзан адабий портрет йўсинида яратилади. Сўзбошилар кўпинча, нашр этилаётган асар муаллифи ижодини яхши билган адиблар, олимлар томонидан ёзилади.